# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғининг ўринбосари**
**адлия катта маслаҳатчиси**

**____________ Д.Л.Турахонов**

**2024 йил "___" ноябрь**

# ТАДБИРКОРЛИКДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АСОСЛАРИ

## ўқув курсининг

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

**Ўқув курси:** тадбиркорлик субъектлари учун

**Тошкент – 2024**

Коррупцияга қарши
курашиш илмий-таълим
маркази йиғилишида
муҳокама этилди

2024 йил “25” ноябрь

**Тузувчи:**

**Баҳромбеков Бунёдбек Бахром ўғли**
Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази прокурори

**Тақризчилар:**

**Фазилов Фарход Маратович**
ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори вазифасини бажарувчиси, ю.ф.д.

**Борсиева Замират Хасанбековна**
Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим
маркази катта прокурори, доцент

## Кириш.
## Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари

Ўқув курсининг **мақсади** – тадбиркорлик субъектлари вакилларига коррупцияга қарши курашиш бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни бериш, коррупциянинг салбий таъсирларини тушунтириш ва уни олдини олиш механизмларини ўргатиш, халқаро ва миллий стандартларга асосланган холис ва шаффоф бошқарувнинг аҳамиятини кўрсатиш.

Ўқув курсининг **аҳамияти** – коррупцияга қарши курашиш тадбиркорлик муҳитида шаффофликни ошириш. Миллий ва халқаро стандартларга риоя қилиш орқали тадбиркорликда ишонч муҳитини шакллантириш.

Тингловчилар учун **талаблар** – тадбиркорлик субъектлари ёки уларнинг вакиллари, бошланғич компьютер ва интернет саводхонлигига эга бўлиш.

**Ўқув модулини тингловчи томонидан ўзлаштирилишидан кутилаётган натижалар.**

Ўқув модулини ўзлаштириш орқали тингловчи қуйидаги **билимларга эга бўлиши** лозим:

– тадбиркорликда коррупциянинг тушунчаси, турлари ва салбий таъсирларини тушуниш;

– коррупцияга қарши тадбиркорликка оид миллий ва халқаро стандартларнинг мазмуни билан танишиш;

– тадбиркорлик субъектлари учун коррупцияга қарши ички назорат тизимини яратиш бўйича босқичларни билиш;

– тадбиркорликка хос бўлган коррупцияга қарши стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўрганиш.

**Ўқитишда фойдаланиладиган замонавий педагогик ва ахборот технологиялари.**

Ўқув модули доирасидаги машғулотлар - назарий ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Маъруза давомида профессор-ўқитувчи томонидан ўқув дастурида белгиланган мавзулар кўргазмали слайд материалларидан фойдаланган ҳолда маъруза шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёни қуйидагилар ҳисобга олинган ҳолда ташкиллаштирилади:

танқидий ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив методларидан, шунингдек замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиб тингловчиларнинг мустақил фикрлаш маҳоратларини ошириб бориш;

ўқув машғулотлари мавзуси доирасида хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш борасида фикрлар алмашинувини йўлга қўйиш.

Ўқитиш жараёнида таълимнинг ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазият, видео-дарслар, интерактив тестлар, кейс-стади, кластер,

бумеранг, Венн диаграммаси, баҳс-мунозара, бошқаларни ўқитиш орқали ўрганиш каби замонавий методларидан фойдаланилади.

Масофавий курс proacademy.uz виртуал таълим платформасида ўтказилади, у ерда ўқитувчилар ва тингловчилар учун масофавий қўллаб-қувватлаш тизими ташкил этилган. Платформа замонавий технологияларга асосланган бўлиб, билим олиш жараёнини самарали, интерактив ва қулай қилишга йўналтирилган. Курс материаллари, онлайн машғулотлар ва маслаҳатлар тингловчилар учун куну тун очиқ бўлади. Бу таълим олувчиларга ўз вақти ва имкониятларига мос равишда ўқиш имкониятини тақдим этади.

## Ўқув модулининг ўқув-тематик режаси

| № | Мавзулар | Off-line (асинхрон) | On-line (синхрон) | Оралиқ назорат | Жами соат | Назорат шакли (Assessment) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Масофавий электив курси** | | | | | | |
| 1. | Тадбиркорликда коррупция тушунчаси ва унинг зарари | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 2. | Тадбиркорликда коррупция хавфлари ва уларни баҳолаш мезонлари | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 3. | Тадбиркорлик субъектлари учун коррупцияга қарши ички назорат тизимлари | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 4. | Коррупцияга қарши тадбиркорликда этика кодекслари | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 5. | Шаффофлик ва ҳисобдорлик: тадбиркорликда шаффоф бошқарув механизмлари | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 6. | Коррупцияга қарши тадбиркорлик стратегияларини ишлаб чиқиш | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |
| 7. | Халқаро ва миллий қонунчиликнинг тадбиркорлик учун аҳамияти | | 2 | | 2 | Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **14** | | | **14** | |

## Ўқув дастурининг мазмуни

**1-мавзу. Тадбиркорликда коррупция тушунчаси ва унинг зарари**

Тадбиркорлик муҳитида коррупциянинг салбий таъсирлари. Коррупциянинг молиявий зарарлари ва шаффофликка таъсири.

**2-мавзу. Тадбиркорликда коррупция хавфлари ва уларни баҳолаш мезонлари**

Коррупция хавфлари ва уларни аниқлаш усуллари. Хавфларни минималлаштириш бўйича механизмлар.

**3-мавзу. Тадбиркорлик субъектлари учун коррупцияга қарши ички назорат тизимлари**

Коррупция хавфини баҳолаш учун инструментлар. Коррупцияга қарши сиёсатларни ишлаб чиқиш.

**4-мавзу. Коррупцияга қарши тадбиркорликда этика кодекслари**

Тадбиркорликда этика қоидалари ва корпоратив маданият. Этика кодексларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

**5-мавзу. Шаффофлик ва ҳисобдорлик: тадбиркорликда шаффоф бошқарув механизмлари**

Шаффоф бошқарув концепцияси. Ҳисобдорлик бўйича механизмлар.

**6-мавзу. Коррупцияга қарши тадбиркорлик стратегияларини ишлаб чиқиш**

Тадбиркорлик субъектлари учун махсус стратегиялар. Коррупция хавфларига нисбатан профилактик ёндашувлар.

**7-мавзу. Халқаро ва миллий қонунчиликнинг тадбиркорлик учун аҳамияти**

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тадбиркорлик соҳасидаги қоидалари. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги асосий нормалар.

**Ўқув модули бўйича тингловчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини ўзини-ўзи баҳолаш мезонлари**

| Ўқув натижалари | Баҳолаш мезонлари (балл) | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1-55 | 56-70 | 71-85 | 86-100 |
| Коррупция тушунчаси ва унинг салбий таъсирларини билиш | Коррупциянинг асосий тушунчаларини умуман тушунмаслик. | Коррупция турлари ва салбий оқибатларни қисман тушуниш. | Коррупция оқибатларини тушуниб, қисман мисоллар келтириш. | Коррупция турлари ва оқибатларини тўлиқ тушуниб, аниқ мисоллар келтириш. |
| Миллий ва халқаро стандартларнинг мазмунини тушуниш | Миллий ва халқаро стандартларни умуман тушунмаслик. | Миллий стандартларни тушуниб, халқаро стандартларни қисман билиш. | Миллий ва халқаро стандартларни билиш ва уларни қиёслаб таҳлил қилиш. | Миллий ва халқаро стандартларни тўлиқ тушуниб, амалий қўллаш. |
| Ички назорат тизимларини яратиш | Ички назорат тизимини яратиш бўйича билимлар мавжуд эмас. | Ички назорат тизимини қисман тушуниш. | Ички назорат тизимини яратиш босқичларини тушуниш ва қисман амалга ошириш. | Ички назорат тизимини тўлиқ тушуниб, амалиётда ишлатиш. |
| Коррупцияга қарши стратегияларни ишлаб чиқиш | Стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмалар мавжуд эмас. | Қисман ишлаб чиқиш кўникмалари мавжуд. | Муҳим стратегияларни ишлаб чиқиш ва қисман амалиётга жорий қилиш. | Ҳолатларни таҳлил қилиш орқали тўлиқ ва амалий стратегияларни ишлаб чиқиш. |

## Ахборот манбалари рўйхати

**1. Асосий адабиётлар**

**1.** Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. 2024 й. https://proacademy.uz/uz-cyr#mainsection.

**2.** Пўлатов Б.Х. "Коррупцияга қарши курашишда халқаро стандартлар ва амалиёт". Юридик нашриёт, 2022 йил.

**2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йилдаги янги таҳрир).

**2.** Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни (2022 йилги таҳрир).

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 йилдаги "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-200-сонли Фармони.

**4.** БМТнинг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси" (UNCAC).

**5.** OECD коррупцияга қарши кураш стандартлари. https://www.oecd.org/ru.html

**6.** Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши қонунчиликнинг асосий принциплари. https://www.coe.int/ru/web/portal/the-council-of-europe-at-a-glance.

**3. Қўшимча адабиётлар**

**1.** Комилов А.Б. "Коррупция хавфлари ва тадбиркорликка таъсирини таҳлил қилиш". Тошкент: Академия нашри, 2023 йил.

**2.** Казаков В.И. "Халқаро ташкилотлар ва коррупцияга қарши кураш тажрибаси". Москва: Юридик нашриёт, 2021 йил.

**3.** "Корпоратив бошқарувда этика кодекслари". ЮНЕСКО нашри.

**4.** Коррупцияга карши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш буйича кулланма (Тулдирилган янги нашр). Бактра пресс. Тошкент-2022.

5. Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида. Миллий маъруза. 2024 й. https://anticorruption.uz/uz/inson-qadrini-uluglash.

**4. Электрон таълим ресурслари**

**1.** Коррупцияга қарши курашиш портали: www.anticorruption.uz

**2.** Transparency International расмий веб-сайти: www.transparency.org

**3.**БМТ Коррупцияга қарши Конвенцияси портали: www.unodc.org/unodc/en/corruption

**4.** OECD коррупцияга қарши кураш сайтлари: www.oecd.org/corruption